

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги**


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
Куриятинин Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигинин
Бекор-худубий бозордаги олчамни Ахангарон шунуне ташкил этишини
2023 йил курбондан берганда Кыргизистонда жасаладиган
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг
2024 йилдан берганда олчамни анибонлаштириши буоруни бешар тасдиғланадиган

ЖОРИЙ ЭТИДАН

**Ўзбекистон Республикаси Сенати ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
60810100-Қишилоқ хўжалигини механизациялаширии бакалавриат
таълим йўналишининг малака талаблари**

Мажбуру Марказийнига Ўзбекистондик таълим таҳсилоти Академиялар, Академиялар, "Олий", "Факт" түннадариги ва мухадисларнига
клавишлариги, Ўзбекистон Республикаси Академияларнига обигидиги
мужафий талаб чекалсанда расмий мөнбада-худобида хўжалигини ташкил этиши.
Ўзбекистон Республикасиниң қудуслаш Малака талаблари таълим таҳсилоти
жонгурун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлигига тегинланадиган

Тошкент



1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти;

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202¹ йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 202¹ йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢӢ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

T/р		бет
1.	<i>60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60810100 – Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2.	<i>60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1.	<i>60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари	4
1.2.2.	<i>60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари	5
1.2.3.	<i>60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4.	<i>60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий вазифалари	5
2.	<i>60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	6
2.1.	Умумий компетенциялар	6
2.2.	Касбий компетенциялар	6
	Библиографик маълумотлар	7
	Келишув вараги	8

1. 60810100 – Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш соҳасидаги йўналиш бўлиб, у ер, сув, ёнилғи-энергетика ва моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришда замонавий ресурстежамкор механизациялашган технологиялар ва техника воситаларини ишлаб чиқиш, маҳаллий иш шароитидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш жараёнлари, қишлоқ хўжалиги машиналари технологик жараёнлари, агротехник тадбирларнинг мақбул турини қўллаш ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасидаги давлат ва хусусий ташкилот, корхона ва муассасалар ҳамда машинасозлик заводлари;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги механизациялашган жараёнлар;
- қишлоқ хўжалиги машиналари, техникалари, воситалари ва асбоб-ускуналар;
- агросаноат мажмуи корхоналари ва ташкилотларининг бошқарув тизимлари.

60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши таълим йўналиши бакалавриат битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғуланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш:
- ахборот-таҳилий фаолияти;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- техник сервис.

1.2.4. 60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- механизациялашган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий билимларни қўллаш орқали бошқариш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.

Ахборот-таҳилий фаолиятида:

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиши;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда қишлоқ хўжалиги техника ва технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини оширишни таъминлашга хизмат қиладиган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, ишланмалар ва илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва соҳаларини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш борасидаги янги маълумотлар ва ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбик этиш.

Техник сервис фаолиятида:

- трактор, автомобил ҳамда қишлоқ хўжалик техникалари техник сервиси ва таъмирлаш стратегиясини белгилаш ва кўллаш;
- техник сервисни ташкил этиш, ишлаб чиқариш режаларни тайёрлаш ва амалга ошириш.

2. 60810100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассавурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўнкимларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини

қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўнкмаларига эга бўлиш;

- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- стратегик ва оператив бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш обьектлари учун техникалар танлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнларини механизациялашни амалга ошира олишлари ва улар асосида ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўнкмаларига эга бўлиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш агротехникаси ва зоотехния талабларини қаноатлантирувчи энергия-ресурсстежамкор тежамкор, самарали механизациялашган технологияларни жорий этишни билиши;
- қишлоқ ишлаб чиқариш субъектлари учун зарур техника воситаларини танлашни билиши, улардан самарали фойдаланишни ташкил этиши ва бошқариши;
- маҳаллий шароитга қараб иш турларини ўз агротехник муддатларида сифатли амалга оширишни таъминлайдиган техника воситалари ва жиҳозларини танлаш ҳамда уларнинг техник сервиси ва эксплуатациясини ташкил этиш кўнкмаларига эга бўлиш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иш сифати ва унумини ошириш ҳамда энергия-ресурсстежамкорликка эришишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш кўнкмаларига эга бўлиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;
- қишлоқ хўжалиги обьектларида техникавий таъминот тизимини техник-иктисодий таҳлил қилишни, техник-иктисодий кўрсаткичларни аниқлашни, истиқболли режалар тузишни билиш;
- узлуксиз таълим тизими муассасаларида ўкув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш (ўкув персонали), умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўкув машғулотларини ўтиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва тадбиқ этишни билиш;
- электрон курилмалар электр схемаларини ишлаб чиқища ярим ўтказгич приборлардан фойдаланиш, электроника, майший хизмат ва ишлаб чиқариш электр ускуналари монтажи ва созлаш, автоматика воситаларини ҳисоблаш ва танлаш, монтаж, созлаш ва эксплуатациялаш, электр юритмалар системасини танлаш, электр моторлар қувватини танлаш, электр юритмаларни бошқариш схемаларини ишлаб чиқиш, ростлаш ва коммутациялаш аппаратларини танлаш кўнкмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Кишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, касбий фаолият тури, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, ўкув режа, фан дастури, ўкув жараёни, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик, эксплуатацион ва техник сервис, технологик-ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув, қишлоқ хўжалиги техникалари, технологик иш жараёнлари, созланишлар, ишга тайёрлаш, фойдаланиш, сифатни баҳолаш ва назорат қилиш, мустақил таълим, малака амалиёти, битирув малакавий иш, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот жараёнлари.

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:



Ташкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти

Ректор Ў.П.Умурзаков

202 йил « ____ » _____

М.У.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълим министри
ривоҷлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор М.Эсонов

202 йил « ____ » _____

М.У.

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Қишлоқ хўжалигини
механизациялашишва техник
модернизациялаш бошқармаси

Бошлик К.Исмоилов

202 йил « ____ » _____

М.У.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш
илемий-тадқиқот институти



Директор Д.Р.Норчаев

202 йил « ____ » _____

М.У.

“Ўзагросервис” акциядорлик жамияти

Бош директор Р.М.Хайтов

202 йил « ____ » _____

М.У.

Жиззах политехника институти



Ректор А.К.Усманкулов

202 йил « ____ » _____

М.У.

Қишлоқ хўжалиги техника ва
технологияларини сертификатлаш ва
синаш маркази



Директор М.Хакимов

202 йил « ____ » _____

М.У.